2005 YIL 1 NOYABR, SESHANBA

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 134-135 (6.972). Sotuvda erkin narxda

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг
### ҚАРОРИ
## Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида

Муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида» 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон Фармонига мувофиқ:

1. 2005 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 3 ноябрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси мурожаатини инобатга олиб, 2005 йил 3 ноябр дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 27 октябр.

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг
### ҚАРОРИ
## 2005 йил 6 ноябр якшанба дам олиш кунини 2005 йил 4 ноябр жумага кўчириш тўғрисида

Муборак Рамазон Ҳайитини нишонлаш муносабати билан ҳамда меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2005 йил 6 ноябр якшанба дам олиш кунини 2005 йил 4 ноябр жумага кўчирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 31 октябр

## Куннинг муҳим воқеалари

● Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Хитой Халқ Республикаси Халқ сиёсий маслаҳат кенгаши раисининг ўринбосари Бай Личен раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасида бўлди.

● Қашқадарё, Бухоро, Самарқанд вилоятларида 2005 йилнинг тўққиз ойида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодиётни эркинлаштириш юзасидан кўрилаётган чораларнинг самарадорлиги, ислоҳотларни жорий этишда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг масъулиятини оширишга бағишланган фаоллар йиғилишлари бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асосларини ислоҳ қилиш бўйича Кенгаш қошида таъсис этилган умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий «Фуқаролик жамияти - Гражданское общество - Civil society» журналининг махсус сони босмадан чиқди.

● Андижондаги Рус маданий-маърифий маркази ҳузуридаги «Томчи» адабий тўгарак иштирокчиларининг биринчи шеърий тўплами нашр қилинди.

● Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида ихтисослаштирилган мактаблар тармоғини кенгайтириш, ўқув жараёнини такомиллаштиришга бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

● Зомин туманида қишлоқ хўжалиги коллежининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Бу ерда фермерлик, механиклик, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш технологи, бухгалтер йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланади.

● Термиз Давлат университетида «Касбий таълимнинг долзарб муаммолари» мавзуида республика илмий-амалий анжумани бўлди.

● Ўзбекистон Бадиий академиясининг Замонавий санъат марказида таниқли мўйқалам устаси Тўра Шомирзаевнинг шахсий кўргазмаси очилди.

● Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида таниқли мусаввир Рафаэль Матевосяннинг «Барҳаёт Орол» мавзуидаги шахсий кўргазмаси очилди.

● Республика Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси ташаббуси билан Россиянинг Курск шаҳрида «Қарши-Курск» савдо-инвестициялар уйи ташкил этилди.



**Розия Тўхтамишева 27 йилдан буён шифокорлик касбини улуғлаб келади. У Жарқўрғон туманидаги "Шошилинч тез тиббий ёрдам кўрсатиш" марказида бўлим бошлиғи бўлиб ишлайди. Қўлигул шифокор хизматидан беморлар мамнун.**

**СУРАТДА: II даражали "Соғлом авлод учун" орденни соҳибаси Розия Тўхтамишева.**

**Б.АКРАМОВ олган сурат.**

## Лизинг – фермерга мадад

***Ҳозир мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 130 мингга яқин фермер хўжалиги ихтиёрида қарийб уч миллион гектар ер мавжуд. Фермерларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан, ғалла ва пахта етиштиришдаги улуши йил сайин ортиб бормоқда. Бу йил давлатга сотилган ғалла ва пахта хомашёсининг 70 фоизи фермерлар даласида етиштирилди.***

Бу ютуқларнинг асосий омили мамлакатимизда фермер хўжаликларини ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибордадир. Жумладан, хизмат кўрсатадиган инфратузилма объектлари кўпайиб, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғит ва бошқа ресурслар агротехнологик карталарда белгиланган муддатда етказиб берилмоқда. Фермерлар зарур техника воситаларини сотиб олишда эса «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» акционерлик компанияси хизматидан кенг фойдаланмоқда. Бунда кўрсатилаётган хизмат учун лизинг маржасининг йиллик миқдори 8 фоиздан ошмаётгани уларга қўл келаётир.

- Лизинг шартлари деҳқон учун ҳақиқий имконият эканини англаган фермерлар тобора кўпаймоқда,- дейди компания департаменти бошлиғи ўринбосари Фахриддин Ҳожиев. - Ўтган тўққиз ой мобайнида фермерларга лизинг асосида умумий қиймати 20,5 миллиард сўмлик бир ярим мингдан зиёд қишлоқ хўжалиги техникаси етказиб берилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб икки баравар кўп, демакдир. Ваҳолонки, беш йил аввал атиги олти нафар фермер лизинг хизматидан фойдаланган. Бу фермер хўжаликларининг иқтисодий имкониятлари тобора кенгайиб бораётганидан яна бир далолатдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрда қабул қилинган «2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ жорий йилда тугатилган 445 ширкат хўжалигининг бир минг 158 та техникаси фермерларга лизингга берилди.

Эътиборли томони, фермерларга етказиб берилаётган техниканинг асосий қисмини «Тошкент трактор заводи» очиқ акционерлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган тракторлар, тиркамалар ва эҳтиёт қисмлар ташкил этади.

**Олим НОРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири**

## Кузги шудгор – бошқаси бекор!

***Бугун ким билан суҳбатлашманг қишлоқ хўжалигидаги ютуқлардан тўлқинланиб гапиради. Бунинг сабаби бор, албатта. Омборлар донга тўлди, ҳар йилгидан кўп, сифатли "оқ олтин" хирмони қисқа фурсатларда бунёд этилди. Мабодо, деҳқонлардан бу муваффақиятларнинг сири нимада, деб сўрасангиз, улар асосий омиллардан бири – ўтган йили кузги шудгорни ўз вақтида, сифатли ўтказганимизда, деб жавоб беришади.***

Халқимиз ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда, деб бежиз айтишмаган. Зеро, келгуси йил ҳосилига пухта замин кузда қўйилади. Агар шудгор куздан қолдими, юз марта ҳайдасангиз ҳам бекор. Кутилганидек ҳосил кўтара олмайсиз.

Бугуннинг долзарб юмушларидан бири – кузги шудгорни агротехника қоидаларига тўлиқ жавоб берадиган тарзда сифатли қилиб, кечиктирмасдан ўтказишга давлатимиз миқёсида катта эътибор қаратилаяпти. Мавсумга муносиб ҳозирлик кўрилгани, чунончи зарур техникалар таъмирланиб, эҳтиёт қисмлар ғамланганию, минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари пешма-пеш етказиб берилаётганлиги тадбирнинг кўнгилдагидек бошланишига замин бўлди. Ҳукуматимиз томонидан оператор-механизаторлар моддий қўллаб-қувватланиб, кийим-бош билан таъминлаётгани эса уларнинг ишга бўлган шаштини оширди. Буни дастлабки натижалардан ҳам билса бўлади. Асосийси, мавсумда иштирок этадиган механизаторлар ўқитилиб, билим ва малакалари яна бир бор мустаҳкамлаб олинди. Мутахассислар эса деҳқон билан бақамти ернинг ҳолатини ўрганиб, майдонларнинг текислиги, ўғит бериш, ҳайдаш чуқурлиги каби ишларда бош-қош бўлишяпти. Мақсад битта – келгуси йил ҳосилига муносиб ҳозирлик кўриш.

– Ердан дур ундиришнинг биринчи шарти – сифатли шудгор, – дейди Қарши туманидаги "Пўлат ўғли Шоймардон бобо" фермер хўжалиги соҳиби Ғайрат Пўлатов. – Бу тадбирни ўз вақтида ўтказмасдан ишлаб бўларканми? Кузги шудгорни кечиктирган ёки сифатли адо этмаган пудратчи ё фермер, менимча, у ҳақиқий деҳқон эмас... Чунки боқибеғамлик фақат ўзига зарар келтиради.

– Мўл ҳосил оламан, деган одам ерни бугун ағдаргани маъқул, – дейди Бўка туманидаги "Учқун" фермер хўжалиги етакчиси Абдуқаҳҳор Ғаффоров. – Ҳайдалган ер дам олади, тиниқади. Бу гапим айримларга эриш туюлар. Лекин мен заминни одамга ўхшатаман. Ишлаган киши толиққани каби экин майдони ҳам чарчайди. Шудгор ана шу чарчоқларни чиқариб юборади, ҳосилга куч йиғади.

Тақдирини ер билан боғлаган деҳқон борки, бугун ерини обитобида шудгорлаб олиш ҳаракатида. Зотан, деҳқончиликда энг асосий ва нозик иш шудгордир. Негаки, келгуси йил ҳосил чўғини кўп жиҳатдан ушбу тадбир белгилайди. Буни ўтаётган йил натижалари ҳам исботлаб турибди. Узоққа бормайлик, суҳбатдошларимиз Ғайрат Пўлатов ҳамда Абдуқаҳҳор Ғаффоровлар ғаллачилигу пахтачиликда ҳосилни дўндиришди. Шартномавий режани ошиғи билан уддалашди. Улар муваффақиятнинг замири кузги шудгорда, дейишаётир.

**БУГУННИНГ ГАПИ**

Кузги шудгорни энг мақбул муддатларда, мутахассисларнинг тавсияларига таянган ҳолда сифатли ўтказиш мўл ҳосил етиштиришда асосий омиллардан бири бўлишини пахтачиликда эришилган бу йилги натижалар яққол кўрсатади. Ана шу агротехник тадбир кўнгилдагидек адо этилганлиги туфайли Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Қашқадарё вилоятлари пахтакорлари октябрнинг бошларидаёқ шартнома мажбуриятини ошириб бажардилар. Ерни кузда ҳайдашга етарлича эътибор берилмаган, бу юмуш баҳорга қолдирилган минтақаларда эса пировард натижа – ҳосилнинг пишиб етилиши, унинг салмоғи ва сифати талаб даражасида бўлмади. Пахта хомашёсини сотиш бўйича шартнома топшириғи 85-92 фоиз атрофида бажарилган мамлакатимиздаги йигирмага яқин тумандаги аҳвол таҳлил этиладиган бўлса, уларнинг аксариятида ўтган йилги кузги шудгор тўла адо этилмай, ерларнинг анчагина қисми баҳорда ҳайдалганлигини кўриш мумкин. Чунончи, чигит қадашга мўлжалланган Тошкент вилоятидаги Янгийўл туманида 1390, Сирдарё вилоятидаги Сардоба туманида 1620, Сурхондарё вилоятидаги Қизириқ туманида 1315, Наманган вилоятидаги Косонсой туманида 1010, Поп туманида 670 гектар ер феврал-март ойларида шудгор қилинганди. Ҳайдов баҳорда, сифатсиз ўтказилганлиги, минерал ва маҳаллий ўғитлар солишга эътибор берилмаганлиги сабабли тўлиқ гектарлар ҳосил қилинмади, қишда дам олмаган ва зарур микроэлементларга тўйинмаган заминда ўсимликнинг ривожланиши суст бўлди. Шунинг оқибатида барча агротехник тадбирларни бажариш 25-30 кунга кечикди. Таъкидланган ва бошқа сабабларга кўра юқорида қайд этилган ҳамда Данғара, Риштон, Ўзбекистон, Бешариқ, Пискент, Мингбулоқ, Сирдарё, Қўрғонтепа, Марҳамат, Ғузор, Яккабоғ, Чироқчи, Ангор, Шеробод, Музрабод сингари туманларда шартнома мажбуриятлари бажарилмай қолди. Бундан тегишли хулоса чиқарилиб, 2006 йил ҳосили учун кузги шудгорни ўтказишда камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилмаслиги, барча ишлар сифатли адо этилиши зарур.

Мутахассисларнинг эътироф этишларича, кузда шудгор қилинган ерларнинг унумдорлиги юқори бўлади. Ҳар хил бегона ўтлар, уларнинг уруғлари тупроқ остига тушиб, озуқага айланади. Зараркунандалар қирилиб битади. Асосийси, ер обдон дам олади.

Масалан, пахтачиликда экишга тайёргарлик ишларининг 80 фоизи кузда қилинади. Кўрсатилган муддатда, белгиланган миқдорда органик ўғитлар солиниб ҳайдалган майдонларга экилган чигит тез ривожланиб, ҳосил 10-15 кун эрта пишаркан. Ҳосилдорлик эса 5-7 центнер юқори бўлади.

– Шудгорда биринчи эътиборни ерларнинг ҳайдовга тайёргарлигига қаратмоқ керак, – дейди техника фанлари доктори Муҳаммаджон Тошболтаев. – Дастлаб майдонлар ғўзапоя ҳамда бегона ўтлардан тозаланади. Кўпчиликнинг назидида аҳамиятсиздек туюлган бу юмуш бажарилмаса, ишнинг суръатига ҳам, сифатига ҳам путур етади. Чунки бегона ўтлар йиғилиб, агрегатни ишдан чиқаради. Энг ёмони, тупроқ тўлиқ ағдарилмай, ҳайдов сифати пасаяди. Бу эса ҳосилдорликнинг камайишига олиб келади. Шунинг учун кузги шудгорга комплекс, яъни кенг қамровли агротехник тадбир мажмуаси сифатида ёндошмоқ талаб этилади.

(Давоми 3-бетда)

## "Сен менга тегма, мен сенга..."

**ТААССУФ**

***Таҳририятимизга шикоят хати келиб тушди. Уни Шўрчи туманидаги "Далварзин" ширкат хўжалигида яшовчи И.Жўраев ва бошқалар йўллашган.***

Мазкур хатни ўрганиш учун "Далварзин" ширкат хўжалигида бир неча кун бўлдик. Дарров англадик: бу муаммо анча чигал, ғоят мураккаб. Қолаверса, у асосан жуда нозик ва қалтис ер талон-торожлиги билан боғлиқ.

Шикоят хатининг бир бошидан борайлик. Хатда "мутлақо қишлоқ хўжалигига алоқаси йўқ, эскидан савдода ишлаб келган – бозорқўм Холмат Раҳматуллаев "Далварзин" ширкат хўжалигига уч йил олдин раис этиб тайинланди" дейилади. Х.Раҳматуллаевнинг мутахассислиги иқтисодчи экан. Банк, савдо, бозор соҳасида ишлаган. У раҳбар бўлгандан бери хўжалик пахта ва ғалланинг йиллик шартномасини бажараяпти экан.

Хатда яна "Дала шийпонлари, пахта саройлари, гараж, ширкат хўжалиги иморатларини сотиб тугатди" деб қайд қилинади. Тўғри, улар сотилган. Лекин қонуний йўл билан. Термиз шаҳрида, аукцион савдоларга қўйилган тарзда. Фақат битта дала шийпони ширкат хўжалиги қарори билан сотилган. Бу иморатларни сотишдан тушган маблағ хўжаликнинг қарзларини қоплаш учун йўналтирилган.

Шикоятда айтилишича, "...Абдусамат бошқарувида бўлган 19 F 78-63 номерли машинасида пахта ёғини колхоз омборига эмас, пахта пункт тарозибонининг укасиникига – Фахриддиннинг уйига тўкаётганида ширкат аъзолари томонидан ушланган. Бу қўлга тушгани, холос". Бу ҳолатни фақат Курбонов Шерали кўрганман, деб тушунтириш хати берди. "Ширкат аъзолари томонидан ушланган" деган гап нотўғри бўлиб чиқди.

(Давоми 2-бетда)

**ИЗЛАНИШ**

***Халқимизда "молтопарман" деган сўз бор. Негадир бу сўзни контопар геологларга нисбатан қўллагим келаверади. Тўғри, шундоқ ҳам республикамиз табиий жиҳатдан ер ости бойликларига ниҳоятда бой давлатлар сирасига киради.***

Лекин ер бағрида яшириниб ётган табиат инъомлари осонликча топилиб, ўз-ўзидан юзага чиқиб қолмайди-да. Ҳар

## Контопарлар

бир кон қанчалаб геологларнинг изланишлари мислсиз меҳнатлари эвазига қидириб топилади, баҳоланади ва қазиб олинади. Энди ўзингиз айтинг, геологлар том маънодаги молтопарлар эмасми?

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, геология-қидирув ишларига бошқа соҳалар каби мустақиллик йилларида эътибор кучайди. Юртимиз ҳудуди геологик ўрганилди, унда жамланган бойликлар Ватанимиз ривожи, халқимиз эҳтиёжи учун йўналтирила бошланди.

(Давоми 3-бетда)

## Киройи банк шундай бўлса...

**ҚАРОР ВА ИЖРО**

***Банк танлаш ихтиёри мижознинг ўзига бериб қўйилган бугунги кунда молиявий муассасалар ўртасидаги рақобат кундан кунга кучайиб бормоқда.***

Мижоз эса табиийки, ўзининг ҳожатини тезда чиқарадиган, иқтисодий масалаларини ҳеч қандай муаммосиз ҳал қилиб бера оладиган, энг муҳими, уни молиявий жиҳатдан астойдил қўллаб-қувватлайдиган банкни танлайди. Мана шу тамойил амалда устувор экан, демак, ўз-ўзидан ҳақли бир савол туғилади. Хўш, бугун қайси банкларнинг ҳамкорлари кўп? Ҳар жиҳатдан ривожланаётган молиявий муассасалар қандай қилиб бу борада муваффақият қозонмоқдалар?

Хизмат сафари билан Фарғонада бўлганимизда мана шу саволларга жавоб излаб кўрдик. Таҳлилларимиз ва сўраб-суриштиришларимиз натижасида шу нарса маълум бўлдики, АТ "Пахта Банк" вилоят бошқармасининг нуфузи вилоятда фаолият юритаётган бошқа тижорат банклари ўртасида анча юқори экан. Буни, аввало, унинг мижозлари бугунга келиб 10 минг нафардан ошганлигидан ҳам билиб олиш мумкин. Қолаверса, бошқармада мижозлар билан ишлаш ва уларга намунали хизмат кўрсатиш бўйича бошқа молиявий муассасалар ўртасида оммалаштиришга арзигулик бой тажриба тўплаган.

(Давоми 3-бетда)

BANK
ХАЛҚ БАНКИ
сизнинг оилангиз банки

**КУЗГИ ЧАҚИРУВ**

***Сурхондарё вилояти мудофаа ишлари бошқармасининг йиғин пунктидамиз. Бир қараганингиздаёқ, ота-оналар, чақирилувчилардаги ҳаяжонни илғаб оласиз.***

Суҳбатлари узуқ-юлуқ қулоққа чалинади: "Ўғлим чегара қўшинларида хизмат қилишга кетяпти. Танловга ўзиям роса тайёрланганди.

## Эр йигитнинг кўксида ғурур

Мана, сараларнинг сараси бўлди. Илоҳим, юртимизнинг ҳақиқий ҳимоячиси бўлсин", "Мактабдаёқ спорт билан шуғулланди. Армияга боришни олдига мақсад қилиб қўйди. Комиссиядан биринчилар қатори ўтди. Энди десантчилар қисмига хизматга кетяпти"... Хуллас, суҳбатларнинг асосий мавзуи – юрт ҳимоясига йўл олаётган ўғлонлар.

Ичкарига кириб, чақирув комиссиясининг иш жараёни билан танишамиз.

(Давоми 2-бетда)

### НУКУС ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ:
## Ёшлар – истиқболимиз
### Эртанги кун умиди

**ТАЪЛИМ**

***Бердақ номли Нукус Давлат университетида талабаларга чуқур билим бериш, уларни етук мутахассис, юксак маънавиятли юрт фарзандлари қилиб камолга етказишда намунали ишлар амалга оширилянти.***

Университет жамоаси ҳам давр билан ёнма-ён одимлашга интилишаётир, улар тизимда олиб борилаётган ислоҳотлар ижобий натижа бериши учун астойдил жон куйдиришмоқда.

Нукус Давлат университети минтақадаги энг кўзга кўринган олий ўқув юртларидан ҳисобланади. Жамоа профессор ва ўқитувчиларининг асосий мақсади ўз соҳасини мукаммал билувчи мутахассисларни тайёрлаш, 1997 йилда қабул қилинган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да олий ўқув юртлари олдига қўйилган улкан вазифаларни сидқидилдан бажариш, пировардида мамлакатимиз равнақига ўз ҳиссасини қўшишдир. Бугун университетда таълимнинг узлуксизлиги тўла таъминланди, деб бемалол айтса бўлади. Булар академик лицей, бакалавриат, магистратура, аспирантура ва докторантура орқали тўлиқ амалга ошириляпти.

Мазкур олий даргоҳда 9 факультет ва битта бўлим, 49 та кафедра, 2 та академик лицей, бизнес-мактаб мавжуд бўлиб, таълим жараёнига 487 га яқин профессор-ўқитувчилар жалб қилинган. Улардан 4 та академик, 40 нафар фан доктори ва профессорлар, 170 дан ортиқ фан номзодлари ва доцентлар илмий-педагогик ишларни олиб бормоқдалар. Университетда 36 йўналиш бўйича бакалавр, 26 мутахассислик бўйича магистрлар тайёрланмоқда.

Нукус Давлат университетида сабоқ олаётган талаба-ёшлар фақат олий маълумотли бўлибгина қолмай, балки маънавий баркамол, сиёсий етук, иймон-эътиқодли ва маданиятли кишилар бўлиб етишишлари учун қайғурилмоқда.

(Давоми 6-бетда)

УзРТСБ Биржевые котировки сум/кг

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| БЕНЗИН (76) 514,2 ▲ + 6,2 | БЕНЗИН (80) 536,0 ▲ + 2,5 | БЕНЗИН (91) 600,6 ▲ + 6,8 | ДИЗ.ТОПЛИВО 287,2 ▲ + 1,3 | МАЗУТ 116,7 ▲ + 24,8 | СЖ.ГАЗ 381,4 ▲ + 80,8 | МАСЛО ХЛОПК. 814,1 ▼ - 9,2 | САХАР 625,5 ▼ - 7,5 | МУКА выс.сорт 280,0 ▼ - 0,3 | |

АНЖУМАН

*Фарғонада «Фарғона водийси экологик хавфсизлигининг минтақавий муаммолари» мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтди.*

## Кун тартибида — экологик хавфсизлик

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, Ўзбекистон Гидрометерология бош бошқармаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллари, БМТ ТДнинг мутахассислари, шунингдек, Россия Федерацияси, Словакия, Азарбайжон, Италия, Эрон давлатларининг мамлакатимиздаги элчихоналарининг бир гуруҳ ходимлари иштирок этди.

Анжуманда минтақадаги экологик хавфсизлик муаммолари, жумладан, ерларнинг яроқсиз ҳолга келиб қолиши, ҳаво атмосфера қатламининг ифлосланиши, сув ресурсларини яхшилаш ва зарарли чиқиндиларни зарарсизлантиришга оид масалалар муҳокама этилди.

Шунингдек, кун тартибидан чиқиндиларни кўмиб ташлаш, биологик хилмахилликни таъминлаш, ўрмонларни асраш, яйловлардан оқилона фойдаланиш масалалари ҳам ўрин олди. Муҳокамаларда аҳоли зич жойлашган Фарғона водийсида тоғ кўчкиси, сув тошқини ва бошқа табиий офатлар нисбатан кўпроқ содир бўлиб турадиган минтақалардан бири эканлиги алоҳида таъкидланди. Анжуманда мазкур минтақада экологик хавфсизликни таъминлаш, атроф-муҳит муҳофазасини такомиллаштириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётганлиги ҳамда мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатларни биргаликда ишлаб чиқилган тадбирлар асосида ҳаётга тадбиқ этиш зарурлиги эътироф этилди. Тадбир якунида натижаларга кўра Фарғона водийсининг давлат ва нодавлат ташкилотлари учун тавсиялар қабул қилинди.

**«Туркистон-пресс»**


## Ўзбекистон Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти

2006 йил учун аспирантурага қабул эълон қилади

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолдаги (кундузги) аспирантурага 03.00.09 – Энтомология ихтисослиги бўйича – 1 ўрин

Ҳужжатлар 2005 йил 1 ноябрдан 2005 йил 1 декабргача қабул қилинади.

Ҳужжат топширувчилар танлаган мутахассисликлари бўйича 20 бетдан кам бўлмаган ҳажмда реферат топширишлари ёки илмий журналларда чоп этилган ишларини тақдим этишлари лозим.

Кириш имтиҳонлари мутахассислик бўйича 01.12.2005 дан 10.12.2005 гача ўтказилади.

**Манзил: 700140, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Бахт кўчаси, 4. Тел.: 63-96-48.**



**Кишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликлари диккатига!**

**Корхона**



- Янги ва таъмирланган ТТЗ-80.11, ТТЗ-80.10, МТЗ-80.Х, ВТ-150, Т-4А русумли тракторларини ҳамда янги КХУ-4Б русумли культиватори, 2ПТС-4-793А-03, -04 русумли прицепи, ЧКУ-4А русумли чизель-культиватори, ОВХ-600 русумли узел жамламаси, ПЯ-3-35 русумли плугларини ва агрегатларини сотади.
- Таъмирталаб ТТЗ-80.11, ТТЗ-80.10, Т-28х4, МТЗ-80.Х, ВТ-150, Т-4А, ДТ-75 русумли тракторларини келишилган нархларда сотиб олади.
- Ҳисоб-китоблар пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

**Маҳсулотлар сифати кафолатланган.**

**Тел: 8(371) 144-90-47, 144-05-42, 144-16-46.**

Товар сертификатланган

**"ТЕХСЕЛЬСНАБ" МЧЖ**

**Тошкентдаги омборхонадан Россия ва Украина заводларида ишлаб чикарилган енгил ва юк автомобиллари хамда қишлоқ хўжалик (ғалла ўриш комбайни, тракторлар Т-150, МТЗ, МХ-135, ТТЗ) шиналарини таклиф қилади**



**Пул ўтказиш йули билан ғалла ва пахтанинг 23210, 23220**

траншларини ҳам қабул қилади.



**Тошкент ш., Чилонзор-2, Гагарин кўч., 26-уй**

**Тел.: 77 1210, 77 1451, 79 9468, 103 7234, 158 8575.**

АЗ


## ОАО " Toshkent shahar yo'l qurilish va ta'mirlash tresti"

### сообщает:

**Информация о существенном факте. (порядковый номер сообщения –07)**
**Наступление даты закрытия реестра.**

Решения о дате, закрытия реестра акционеров принято на заседании Наблюдательного Совета общества, проводимого 28.10.2005 года;

Дата, на которую составляется список владельцев ценных бумаг – 30.10.2005 год.

**Информация о созыве внеочередного общего собрания акционеров.**

01 декабря 2005 года в 15.00 час состоится внеочередное общее собрание акционеров ОАО "Toshkent shahar yo'l qurilish va ta'mirlash tresti " по адресу :

г.Ташкент , ул.Хамал ,29.

Список акционеров, имеющих право на участие во внеочередном общем собрании акционеров, составлен по данным реестра акционеров закрытым по состоянию на 30.10.2005 год.

### ПОВЕСТКА ДНЯ :

1. Об изменении формы Исполнительного органа Общества.
2. Об утверждении изменений и дополнений в Устав Общества.
3. О выплате вознаграждений членам Наблюдательного Совета в период исполнения ими своих обязанностей.
4. Перевыборы состава Наблюдательного Совета.

Регистрация участников собрания проводится с 14.00 час по выше указанному адресу. При себе иметь паспорт или удостоверение личности, а представителям акционеров нотариально заверенные доверенности.

Ознакомиться с материалами, подготовленными к проведению собрания можно с 20.11.2005 по месту нахождения общества.

**Справки по телефонам 930870.**


## АК "Ўзулгуржисавдо"

**Реализует со склада в г.Ташкенте следующую продукцию:**

***Трубы ВГП, ГОСТ 3262-75**
20Х2,8 мм, 40Х3,5 мм, 50Х3,5 мм.
***ТРУБЫ Э/СВАРНЫЕ, ГОСТ 10705-80**
57Х3,5 мм, 76Х3,5 мм, 89Х4 мм, 102Х4-5 мм, 108Х4 мм, 114Х4 мм, 159Х6,8 мм, 168Х8 мм, 219Х8,9; 10 мм, 325Х8 мм, 377Х8 мм; 426Х6-18 мм.
*Листы стальные Г/К 11,12 мм
*Электроды сварочные МР-3 Ø 4 мм
*Оборудование для парикмахерских
*Алюминиевые подвесные потолки
*Подвесные потолки картонного типа "Армстронг"
*Перфораторы разных марок, электродрели
*Электропилы дисковые для резки металла
*Пилы дисковые для резки металла ø 35,40 мм
*Ручные электрофрезы, электропилы
(для резки кафеля и алюминия)
*Эсксопилы
*Слесарно-монтажные инструменты (фрезы, сверла, метчики, ключи гаечные, плашки, алмазные бруски)
Припой ПОС-30, ПОС-40 Электроды нержавеющие – НЖ-13, ЦЛ-11 ø 4 мм
*Мини-генераторы бензиновые
*Наборы инструментов
*Плитку облицовочную керамическую
*Плитку облицовочную половую
*Кубики керамические неглазурованные для мозаичных работ
*Электрооборудование (насосы, водяные помпы)
*Аэрогенераторы и солнечные генераторы
*Мельницы для размола муки
*Оборудование для очистки риса
*Пиломатериалы, деловая древисина

**Так же имеем возможность поставить по заказу Магистральные трубы в течении 15-17 дней ГОСТ 20295-85; ГОСТ Р52079-2003 и др. ТУ 14-3Р-01-93, следующих диаметров:**
**530 x 7-24 мм; 610 x 7,9-24 мм; 630 x 7-24 мм**
**720 x 7,3-30 мм; 762 x 7,9-30 мм - 30 мм**
**1020 x 8,8-32 мм; 1067 x 9-32 мм**

***При больших объемах поставок труб могут быть снижены цены***

**Имеет возможность поставить по заказам потребителей:**

*Мини-шиферный завод *Мини-оборудование для производства полиэтиленовых труб
*Мини-завод по выпуску хлопкового масло *Солнечные электростанции
*Мини-мукомольный завод Мини-завод по переработке хлопковых семян
*Трубы и металлопродукцию всех размеров Товар сертифицирован

г.Ташкент, ул.Навои, 7. Тел.: 139-27-15, 139-27-16, 144-59-53.
E-mail: uz_savdo@mail.ru



## Иқтисодиётимиз ривожига улкан ҳисса қўшаётган ва янгидан ташкил этилаётган барча қишлоқ хўжалик корхоналари ва фермер хўжаликлари раҳбарлари диққатига!

*Акциядорлик-тижорат "Пахта Банк" узоғингизни яқин қилиш ва қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида вилоят ҳамда туман ҳудудларида жойлашган 183 та филиаллари ҳамда 469 та мини-банклари, шунга қўшимча янгидан ташкил этилаётган 146 та*

**мини-банклари орқали Сизларга қуйидаги тезкор, манфаатли банк хизматларини таклиф этади!**

- корхона ва хўжалигингизнинг ҳисоб варағини очади;
- юридик ва жисмоний шахслар ҳамда хўжалик субъектлари ўртасидаги тўлов операцияларини амалдаги қонунчиликка мувофиқ ўз вақтида амалга оширади;
- филиал орқали мини-банкда хизмат кўрсатилаётган мижозларга ўрнатилган тартибда кредитлар ажратади ва лизинг хизматларини кўрсатади;
- барча турдаги коммунал ва бошқа тўловаларни қабул қилади ҳамда мижозларнинг тўлов топшириқларини амалга оширади;
- омонатларга бўш пул маблағларингизни жалб қилади ҳамда депозит ҳисоб рақамингиздаги маблағингизни, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларини, биринчи талабдаёқ беради;
- инвестиция маблағлари эгалари ёки тақсимловчилари буюртмасига биноан инновация лойиҳаларини филиал орқали молиялаштиради;
- юридик ва консалтинг хизматлар кўрсатади;
- Банк Уставида кўрсатилган бошқа операцияларни ўрнатилган тартибда амалга оширади;
- Мижозларнинг банк сирини ташкил этувчи маълумот-ларини сир сақлайди.

**"Пахта Банк"**

**фермернинг асл ҳамкори!**

Ҳисоб рақамингизни "Пахта Банк"да очинг, кафолатли хизматларидан фойдаланинг ва имкониятингизни янада кенгайтиринг!

**"Пахта Банк" – муваффақиятингиз калитидир!**


Тошкент вилояти Паркент шаҳридаги Фурқат номли 7-мактаб томонидан 1992 йили Рўзматова Мукаррам Ўрунбоевна номига берилган А № 006770 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг хизмат кўрсатиш бўлими қошидаги "Ҳосилот сервис" шўъба корхонасига АТБ "Туронбанк" томонидан берилган чек дафтарчаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

## «Давинком» Давлат инвестиция фирмаси томонидан 2005 йил 16 ноябрда Республика кўчмас мулк биржаси савдосига давлат улушлари чиқарилаётган маъсулияти чекланган жамиятлари ва объектлар рўйхати

| № | Объект номи | Тармоқ | ҳудуд | Савдога қўйилаётган улуш (%) | Улушнинг бошланғич таклиф нархи |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | «Пахта нефт базаси» унитар корхонасига қарашли Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Циолковский кучасида жойлашган «9-сонли мой алмаштириш шахобчаси ва дўкон биноси» * | Ўзбекнефтегаз | Тошкент шаҳри | 100 | 11172,4 АҚШ доллари |
| 2 | "Тошкент вил., Янгийўл тум., Ортиқов ж/х жойлашган «14-В сонли мой алмаштириш шахобчаси» * | Ўзбекнефтегаз | Тошкент вилояти | 100 | 3987 АҚШ доллари |
| 3 | «Тошкент халқаро аэропорти» давлат унитар корхонаси тасарруфидаги Тошкент ш., Сергели тум., Учувчилар шаҳарчаси кўчасида жойлашган, «Клуб биноси» | Ўзбекистон хаво йўллари | Тошкент шаҳри | 100 | 443004,79 минг сўм. |
| 4 | Тошкент ш. Миробод тум. Шаҳрисабз кўчаси, 36-уйда жойлашган, Республика дон маҳсулотларини ҳимоя қилиш экспедицияси | Ўздонмаҳсулот | Тошкент шаҳри | 100 | 721896,91 минг сўм. |
| 5 | Жондор туман Халқ таълими бўлимига қарашли «Пахтаой» болалар боғчаси | Халқ таълими вазирлиги | Бухоро вилояти | 100 | 9000,0 минг сўм. |
| 6 | Жондор туман хўжалик ҳисобидаги дезинфекция станцияси ** | Соғлиқни сақлаш вазирлиги | Бухоро вилояти | 100 | 1711,0 минг сўм. |
| 5 | Вобкент туман ҳалқ таълими бўлимига қарашли «Бинафша» болалар боғчаси | Халқ таълими вазирлиги | Бухоро вилояти | 100 | 8335,0 минг сўм. |
| 6 | «Қоровулбозорнефттгазишчилартаъминот» МЧЖга қарашли «Ширин кулча» нон ишлаб чиқариш цехи | Ўзбекнефтегаз | Бухоро вилояти | 100 | 86989,1 минг сўм. |

***- Ушбу объект Ҳзбекистон Республикаси Марказий банкининг сотув кунидаги курси бўйича миллий валютада (сўмда) сотилади**

****- Мазкур объект бўйича харидор корхона фаолияти турини ўзгартирмаслиги керак**

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 133-38-69, 136-11-65, 136-06-31, шунингдек фирманинг www.davincom.uz сайти хамда davincom@davincom.uz электрон почтаси ёки қуйидаги манзил бўйича: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси 10-уй.

НУКУС ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ:

# Ёшлар – истиқболимиз



(Боши 1-бетда)

Бердақ, Ажиниёз сингари улуғ алломаларнинг таваллуд айёмлари муносабати билан ўтказилган тадбирлар профессор-ўқитувчилар томонидан олиб борилаётган илмий-маданий изланишлар бебаҳо меросимизни ўрганиш ҳамда умуминсоний қадриятларни қайта тиклаш ва ривожлантиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Талабалар бўш вақтларида турли-туман қизиқарли машғулотлар билан шуғулланишлари учун кўпгина имкониятлар яратилган. Бадиий ҳаваскорлик тўгараги ишлаб турибди,турли мавзуда танловлар, спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида кенг кўламли ислоҳотлар жараёни кечмоқда. Таълим тизимида амалга оширилаётган ишларда бу, айниқса, яққол кўзга ташланади. Зеро, мустақил мамлакатимизнинг келажаги, эртаси, кўп жиҳатдан бугунги ёшларимизнинг билими ва интеллектуал салоҳиятига боғлиқ. Табиийки, биз уларга қанчалик чуқур, пухта таълим берсак, эртанги кунимиздан умидимиз шунчалик катта бўлади.

## Эл ишончини оқлаб

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, университетнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, талабаларнинг сабоқ олишлари учун ҳар томонлама қулай шароитлар яратиш, ўқув бинолари ва талабалар уйларини таъмирлаш ишларига етарли миқдорда маблағ ажратилди.

Бир гуруҳ олимлар "Устоз", "ДААД", "Акселс", "Истеъдод" жамғармаларининг



қўллаб-қувватлаши билан Буюк Британия, Канада, Швеция, Исроил, Германия, Хитой, Корея, Малайзия ва бошқа хориж мамлакатлари олий ўқув юртлари ва илмий марказларида ўз малакаларини ошириб келдилар.

Ҳозирда университет Германиянинг Бонн ва Киль, Россиянинг Москва, Красноярск, Санкт-Петербург шаҳридаги И.А.Павлов номидаги рипфизиология институти, Украина миллий университети, Кибернетика ва математика институтлари сингари 20 га яқин олий ўқув юртлари билан шартнома асосида ҳамкорлик қилиб келмоқда.

–Албатта, республикамиз таълим тизимида туб ислоҳотлар амалга оширилаётган экан, ушбу масаланинг муҳим бир жиҳатига эътибор бериш лозим бўлади. Хусусан, ўқув юртларида ўқитиш сифатини ошириш учун, аввало, уларга сабоқ бераётган профессор-ўқитувчиларнинг касб малакасини жаҳон талаблари даражасига етказиш лозим, – дейди университет ректори, физиология фанлари доктори, профессор Азот Матжонов. – Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 декабрда қабул қилинган "Устоз" республика жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги қарори бу борада айни муддао бўлди. Шунга кўра кўплаб профессор-ўқитувчилар хориждаги нуфузли олий ўқув юртларида ўз малакаларини ошириб қайтишди. Бу борадаги ишлар бундан кейин ҳам ривожлантираверади.

## Талабалар ҳашарда

Таниқли гуржи ёзувчиси Нодар Думбадзенинг ўқувчилик йилларида икки-уч ойлаб чой баргини теришга ота-онасига кўмак бергани, чой ҳосилини йиғиштириш умуммиллий мавсумида катта-кичик барчанинг ўрни далада бўлишини ёзганини ўқиб ҳеч ҳам ҳайрон бўлмаган эдим. Боиси ҳар мамлакатнинг ўзига хос, иқлимига қулай экинлар, умумий ризқ-рўз манбаи, бўлиши табиий бир ҳол. Чиндан ҳам юрт ризқига бефарқ қараш "бўйинбоғим ғижим бўлди", деб ердаги нон бурдасига эгилмасдан ўтиб кетишдай гап. Катта-катта пайкалларда етилган пахта ҳосилини ўз вақтида йиғиб-териб олиш керак. Бу умуммиллий ишда Нукус Давлат университети талабалари эл ташвишини ўз ташвишлари билиб, бободеҳқонга мададкор бўлишди.

Қорақалпоқлик пахтакорлари республикада биринчи бўлиб зафар қучган кунлари Бердақ номидаги Нукус Давлат университети пахта штаби бошлиғи Кеунимжай Алланазаров ҳамроҳлигида талаба-ёшлар пахта тераётган Кегайли ҳамда Шуманай туманларидаги хўжаликларда бўлдик. Пайкалларда пахта худди оқиб ётганди ўшанда. Талабалар ёрдами билан 3,5 минг тоннадан ошиқ қимматбаҳо хомашё йиғиштириб олинибди. Теримда айниқса,



университетнинг география факультети биринчи курс талабаси Ойсара Ембергенова, математика факультети тала-



баси Мехри Вайисова, қорақалпоқ филологияси факультети 4 курс талабаси Илмира Рисжоновалар энг пешқадам деб эътироф этилди. Уларнинг ҳар бирига бир стипендия миқдорида мукофот пули берилди. Табиатшунослик факультети талабалари 600 тоннага яқин пахта териб бериб, 9 та факультет талабалари ичида биринчиликни қўлга киритишди. Иккинчи ўрин математика факультети, учинчи ўрин эса иқтисод факультети талабаларига насиб этди.

Теримнинг қандай ташкил қилинганлигига келсак, талабаларимиз пулини ўз вақтида олиб турди. Илғорлар кўп бўлди. Ҳар беш кунда пешқадам теримчиларга мукофот пуллари бериб борилди. Шарт-шароит, озиқ-овқат масалаларида ҳеч қандай қийинчиликка дуч келмадик, деб ўз сўзига якун ясади университет пахта штаби бошлиғи Кеунимжай Алланазаров.

## Миллат кўзгуси

"Ҳар бир тарихий музей барча музейларнинг отасидир", деган эди таниқли абхаз шоири Расул Ҳамзатов. Бинобарин, тарихий музейлар миллатнинг ўтмиш маънавияти ва унинг жаҳон халқлари орасида тутган ўрнини ифода этади. Туркий халқлар дунёда энг улкан музейлар бунёд этган халқлардан бири эканлигига ҳеч шубҳа йўқ. Қадимги Хива, Бухоро, Самарқанд шаҳарлари очиқ музейлар тарзида ЮНЕСКО томонидан эътироф этилгани бежиз эмас. Шунингдек, бугунги кунда мустақил Ўзбекистонимизда кўплаб музейлар фаолият кўрсатмоқда. Шулардан бири Нукус Давлат университетидаги Бердақ номидаги музейдир.

Музей залларини айланиб юриб ота-боболаримизнинг юксак ақлий тафаккури билан яратилган санъат асарлари, бетакрор ёдгорликларни кўриб мутассир бўласиз. Тарих – ҳаёт муаллимидир, деган ҳикмат маънисини янада теранроқ англайсиз. Тарих сабоқларини билган одамгина ўзидан аввалги йўл қўйилган хатолардан тийилади, айни пайтда келажакни теранроқ кўз билан кўради. Шарқона услубда қурилган ушбу музейдаги ҳар бир экспонат университет талабалари учун қадрлидир. Бу ерда университетнинг тарихи ва бугунидан ҳикоя қилувчи кўплаб ноёб расмлар ҳамда бошқа антиқа буюмлар ҳеч бир томошабинларни бефарқ қолдирмайди. Музей залларини кезиб юриб беихтиёр эртаклар оламига кириб қолгандек ҳис этасиз ўзингизни.

–Маълумки, улуғ истеъдод эгаси Бердақ ўзининг ҳикматга тўла шеъру ўланлари билан нафақат қорақалпоқларнинг, балки туркий халқларнинг ҳам кўнглидан муносиб жой олган, - дейди университетнинг маънавият-маърифат бўлими бошлиғи Қўнабой Турдибоев. – Ушбу музей шоирнинг ҳаёти ва ижоди билан яқиндан танишишга кўмак беради. Айтиш мумкинки, юртимиздаги ҳар қандай ўзгариш, янгиланиш маънавият билан йўғрилгандагина янада самаралироқ бўлади.

## Китоб – билим манбаи

Китоб, шубҳасиз, инсониятнинг энг буюк кашфиётидир. Одамзод ўз тарихи мобайнида тараққиётнинг қайси манзилларига етган бўлса, барчасида тафаккур ҳосиласи – китобнинг алоҳида ўрни борлигини кўриш мумкин.

Нукус Давлат университетида ҳам бой кутубхона фаолият кўрсатиб турибди.

Бу ер ҳар куни талабалар билан гавжум бўлади. Шунингдек, улкан электрон кутубхона ишидан кўпчилик талаба ёшлар мамнун. Унинг ёрдамида талабалар юздан ортиқ фанлар бўйича маълумотлар базасига кириш ва билимларини мустаҳкамлашлари мумкин. Электрон кутубхона жуда қулай, энг муҳими, камхаражат восита, Унинг кўмагида ёшларимиз глобал таълим олиш имкониятларига эга бўладилар. Шу билан бирга улар жаҳондаги етакчи давлатларнинг илмий журналларидан 3500 таси бўйича очилган сайтлардан кенг фойдаланмоқдалар.

Кутубхонада ҳамма жой озода, саранжом-саришта, хоналар сўнгги русумдаги жиҳозлар билан тўлиқ жиҳозланган. Китоблар тартиб билан токчаларга териб қўйилган. Кўпчилик талаба-ёшлар китоб мутолааси билан банд. Уларнинг юзкўзларидан билим олишга иштиёқи баланд эканликлари шундоққина сезилиб турибди. Зеро, китоб билим манбаи. У инсонни мудом эзгу амаллар қилишга даъват этиб турадиган маънавий кучдир.

Мамлакат ва миллат тараққиёти йўлида бошланган улуғ ишларимиз шак-шубҳасиз, Ўзбекистонимизни улуғ манзилларга олиб чиқади, катта мақсадларимиз амалга ошади. Бинобарин, бу олий билим даргоҳида ёшларга таълим бераётган устозлар эзгу ният билан шу Ватан тақдирига ўзини масъул деб биладиган комил инсонларни тарбияламоқдалар.

**Улуғбек ЖУМАЕВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**




## Осиё ўйинларига тайёргарлик

***Нукусда Академик эшкак эшиш бўйича қорақалпоғистонлик моҳир спортчилар - Баҳодир Далетёров, Денис Похомов, Саламат Байлепесов, Руслан Ильясов Ўзбекистон терма жамоаси сафига қабул қилинди.***

Улар 2006 йили Қатар давлатида ўтказиладиган Осиё ўйинларига жиддий тайёргарлик кўриш мақсадида терма жамоа мураббийи Владимир Похомов бошчилигида Тошкентда машғулотларни бошлайди.

**(ЎзА)**

## Кураш бўйича жаҳон чемпионати Тошкентда

***Кураш бўйича навбатдаги V жаҳон чемпионати мамлакатимиз пойтахти Тошкентда ўтадиган бўлди.***

Мусобақа 26-27 ноябр кунлари ўтказилади ва унда дунёнинг етмишга яқин давлатидан полвонлар иштирок этиши кутилмоқда. Чемпионат доирасида Халқаро кураш федерацияси ва Ижроя қўмитасининг VI конгресси ҳам ўказилади.

## Прагадан медаллар билан

***Юртимиз спортчиларининг халқаро ареналарда қўлга киритаётган ютуқлари кундан-кунга ошиб бормоқда. Қувонарлиси, қўлга киритаётган ушбу ғалабалар нуфузли мусобақаларида қайд этилаётганидир.***

Албатта, бу ишлар замирида мамлакатимизда ушбу соҳага берилаётган катта эътибор ҳамда спортчиларимиздаги шижоат турибди.

Юқоридаги фикримизга Прагада ўтказилган самбо бўйича фахрийлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида бунга яна бир бор иқрор бўлдик. Чехия пойтахтида ташкиллаштирилган жаҳон биринчилигида дунёнинг 42 давлатидан тўрт юзга яқин фахрий самбочилар иштирок этди ва унда спортчиларимиздан 10 нафари мусобақа ғолиблари қаторидан жой олди. Вакилларимиздан: Константин Лутцов (62 килограмм), Талгат Яфаров (68 килограмм) ва Мирзаулуғбек Шомирзаев (+100 килограмм) ўз вазн тоифаларида олтин медалларга эгалик қилишди. 82 килограммли самбочилар орасида ўз омадини синаб кўрган Ориф Маҳмудовдан эса омад фақат финалда юз ўгирди.

Чингиз Таймазов, Жадта Биджиев, Жаҳонгир Пирназаров, Дониёр Пирназаров, Нозим Сафаров каби фахрийларимиз эса жаҳон биринчилиги бронза медаллари билан тақдирланишган бўлса, супероғир вазнли самбочимиз Самад Рустамов Прага гиламларини вице-чемпиони сифатида тарк этди.

## Жаҳон чемпионатига йўлланма

***Пойтахтимиздаги марказий ҳарбий спорт клубида ушбу спорт тури бўйича Ўзбекистон очиқ чемпионти баҳслари бўлиб ўтмоқда.***

Олтинчи бор ташкил этилган мусобақада Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган жами икки юзга яқин спортчилар ғолиблик учун баҳс олиб боришмоқда. Мазкур чемпионатда Қозоғистон Республикасидан келган спортчилар ҳам иштирок этишмоқда. Хитойда малака ошириб қайтган бир қатор юртимиз ушу усталарининг кўргазмали чиқишлари кўпчиликка манзур бўлди. Мазкур мусобақадан муваффақиятли ўтганлар ушунинг сангто тури баҳсларида иштирок этишни қўлга киритадилар. Чемпионат ғолиблари эса шу йилнинг декабр ойида Ветьнамда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

## Надежданинг илк ғалабаси

***Россиялик ракетка устаси Надежда Петрова Австриянинг Линц шаҳрида ўтказилган теннис турнирида бош совринга эгалик қилди.***



WTA (Аёллар теннис ассоциацияси)нинг иккинчи тоифали мусобақалари қаторига кирувчи мазкур турнир финалида у швейцариялик Патти Шнидердан 4:6, 6:3, 6:1 ҳисобларида устун келди. Линц турнирига қадар Надежда ва Патти турли мусобақаларда олти бор кортда бир-бирига рўпара келганди ва шундан тўрттаси швейцариялик теннисчининг ғалабаси билан якунланган.

585 минг АҚШ доллари мукофот жамғармасига эга бўлган мазкур турнир Надежда учун унутилмас бўлиб қолиши аниқ. Чунки 23 ёшли рус теннисчиси фаолияти давомида тўрт турнир финалига қадар етиб келди ва уч бор ҳал қилувчи баҳсларда рақибларига имкониятни бой бериб қўйганди. Линцдаги ғалаба эса унинг фаолиятидаги биринчиси бўлиб қолади. Айни дамда у WTA рейтингида 10-ўринни эгаллаб турибди.

## Роналду "Динамо"га ўтишга қарши эмас

***Москванинг "Динамо" футбол клуби директорлар кенгаш аъзоси Алексей Федоричев "Советский спорт" газетасига берган интервьюсида "Манчестер Юнайтед"нинг португалиялик легионери Криштиану Роналду оқ-кўклар таркибини тўлдириши мумкинлигини айтиб ўтди.***




Интервьюда келтирилишича, Федоричев ўзи Роналду билан мулоқот олиб борган ва "Қизил иблислар" аъзоси Россия клубига ўтишга қарши эмаслигини айтиб ўтган. "Бу ерда иложи йўқ нарса йўқ. Мен жиддий айтяпман. Бу мавзуда мулоқот бўлди ва Криштиану "Динамо"да ўйнашга тайёр", дейди Федоричев газета мухбирига.

Бу маълумот ҳақиқатга қанчалик яқинлигини билмадик-у, лекин Россия газеталарида "Манчестер Юнайтед"нинг бу ҳужумкор ярим ҳимоячисини "Динамо" таркибидаги бошқа португалиялик плеймейкер Манишега алмаштирилиши ҳақида ҳам гап-сўзлар пайдо бўлди. Бундан ташқари, Алексей Федоричев яқинда Москвага Португалия терма жамоаси мураббийи Луис Фелипе Сколари келиши ва "Динамо"нинг инфратузилмаси билан танишиб чиқишини ҳам айтиб ўтган. Шунингдек, Сколарининг Москвадаги ташрифидан кўзланган аниқ мақсад кейинроқ маълум қилинади.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

# Истеъмолчи ҳуқуқуни биладими?

ХАБАР

***Яқинда Ўзбекистон Республикаси "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунига шарҳ китоб ҳолида босмадан чиқарилди. "Dedeman Silk Road Tashkent" меҳмонхонасида унинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.***

Анжуманда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти Федерацияси, Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича идоралараро Кенгаши аъзолари, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенати аъзолари, Иқтисодиёт, Адлия вазирликлари, Тошкент давлат юридик институти ва бошқа қатор ташкилот мутахассислари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Тақдимот маросимини Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси Галина Саидова очиб, "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг аҳамияти, бу борадаги ишларни адо этишга давлат томонидан бериладиган кафолатларга қаратилган махсус нормалар қабул қилинишининг моҳияти хусусида тўхталиб ўтди.

Шунингдек, учрашувда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Сайёра Рашидова, Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси раиси вазифасини бажарувчи Рустам Ҳакимов, Тошкент давлат юридик институти ректори Мирзаюсуф Рустамбоев ва бир қатор семинар иштирокчилари сўзга чиқиб, шарҳнинг аҳамиятли ҳамда эндиги қилинажак ишлар тўғрисида фикр юритдилар.

Шарҳда "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун ва истеъмолчиларнинг манфаатларига қаратилган бошқа норматив ҳужжатлардан асосий изоҳлар келтирилган, шунингдек, уларни амалиётда қўллаш бўйича тавсиялар берилган. Семинар иштирокчиларининг таъкидлашларича, "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунига шарҳнинг китоб шаклида нашрдан чиқарилиши амалдаги қонунчиликнинг ҳаётга тадбиқ этилиши, ижро механизмларини такомиллаштириш ҳамда аҳолининг истеъмолчилик маданиятини оширишда муҳим қадам бўлди.

**Бобур МУҲАММАДИЕВ**

## Рассом хандаси




– Анави йигит хўжайиннинг жияни. У омбор мудири этиб тайинланди.




Кампир:–Килосини неча пулдан олдинг, ўғлим?

А.ҲАКИМОВ чизган расмлар.

# Шифохона – хусусий, манфаати – умумий

САЛОМАТЛИК

***Муяссар Каримова йигирма йилдирки, шифокорлик касбини улуғлаб келади. Бугун у ҳам тадбиркорликка қўл урган. "Ие, шундай касбни ташлаб-а?" дерсиз. Йўқ, у ўз касбидан кечадиганлардан эмас, хусусий шифохона очди.***

Анчадан бери ўйлаб юрган орзуси шу йил баҳорда амалга ошди. Аввал отасига маслаҳат солди.

–Кексайиб қолган бўлсам, қўлимдан нима ҳам келарди, - деди Самарахон ака. –Фақат дуо қилишим мумкин, "балли, қизим" дея оламан холос.

–Менга шунинг ўзи кифоя, - деди Муяссархон.

Аммо ота дуо қилибгина қолмади, Косонсой шаҳри четидаги бўш ҳовлини ҳадя этди...

Муяссархон икки миллион сўм кредит олди, бўлажак шифохонасини таъмирлади. Тажрибали бинокор Сайдуллахон Зикриёев хайрли ишда унга кўмаклашди, ҳовли ва бинолар мутлақо янгиланиб, шунчаки шифохона эмас, санаторий қиёфасига кирди.

–Минг-минг раҳмат, - дейди 73 яшар Маъсуда ая Ҳожиева. –Бир ҳафтада дарддан фориғ бўлдим, бу ерда ҳамма шароит бор экан, шифокорларнинг қўли енгил, тили ширин.

Турсунжон Назаров, Матлуба Қирғизова, Роҳила Мақсудова каби онахонлар ҳам худди шу фикрларни айтишди.

–Мен ўзим терапевтман, - дейди М.Каримова. –Асосан ички касалликлар билан оғриган беморларни қабул қиламиз. Асаб тизимига доир ва урологик хасталикларга чалинган кишилар ҳам бемалол мурожаат қилишлари мумкин, малакали мутахассисларимиз етарли. Шифохонамиз "Поток-1", "Кварц" каби замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган. 24 ўринли бу шифо масканида ётиб даволаниш ҳам, кундузи келиб-кетиш ҳам мумкин.

–Ҳамма нарса пул билан ўлчанмайди, лекин маблағсиз ҳам яшаб бўлмайди. Айниқса тадбиркор ўз меҳнатидан фойда кўрмоғи лозим, билъакс...

–Оиламизда даромадга муҳтожлик йўқ, - деб жавоб берди Муяссархон бу ҳақдаги саволимизга. –Мен моддий нарсадан кўра, маънавийликни устун кўраман. "Шундай дўхтир бор экан, отасига раҳмат" деган гапларни эшитиш учунгина меҳнат қилавераман.

–Шундай бўлса-да, мана кредит олгансиз, 6 киши ишлар экан – шунга яраша даромад ҳам зарур?

–Керак, албатта. Ҳаммасини ҳисоб-китоб қилиб кўрдик: кредитнинг фоизи ниҳоятда кам, уч йил ичида тўлаймиз.Бу ерда ишлаётганларнинг ҳаммаси фидойи, улар ҳам "раҳмат" эшитсам дейди.

Дуо билан эл кўкарар, дебдилар. Чиндан ҳам дардманлар дуоси янги шифохона уларнинг ишларини баравж қилса ажаб бўлмағай. Қолаверса, ота ризосини олган Муяссархоннинг оилада яна бир таянчи бор: турмуш ўртоғи Саиджон ака шифокор.

Уларни кўриб эзгулик одамлари шундай бўлади, дейсиз беихтиёр.

**Рустамжон УММАТОВ,**
**Косонсой.**

ЎҚИДИНГИЗМИ?

***"Статистик маълумотларга кўра..." деган сўзлар сизга таниш. Албатта, бундай маълумотга кишилар тез ишонадилар ва зарур манба ҳақида аниқ тасаввурга эга бўладилар. Чунки статистика фанида маълумотлар аниқ рақамлар билан ифодаланади.***

# "Қизиқарли статистика"




Яқинда "Иқтисод-молия" нашриёти таниқли олим, иқтисод фанлари доктори Ёркин Абдуллаевнинг "Қизиқарли статистика" номли китобини мухлислар эътиборига ҳавола қилди. Тўрт қисмдан иборат ушбу китобда кўплаб статистик маълумотлар, донишмандларнинг мавзуга доир ҳикматли сўзлари, муаллифнинг ўзига хос фалсафий қарашлари, рақамлар билан боғлиқ қизиқарли фикр-мулоҳазалар, халқ мақоллари, шунингдек, вақт ва ҳаёт қадрини англашга ундовчи бадиий ижод намуналари ўрин олган.

"Қизиқарли статистика" китоби кўпчиликнинг диққатини ўзига жалб этиб, кишиларда статистика фани ҳақида ҳаётий тасаввур уйғотади, деб ўйлаймиз.

**Д.МАТКАРИМОВА**

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Ғафур ШЕРМУҲАММАД.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 136-58-83, 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; 8-361-22-35-753; Андижон – 8-374-22-234-08; Бухоро – 8-365-22-644-61; Жиззах – 8-372-22-606-34; Навоий – 8-436-22-60-525; Наманган - 8 – 369-41-234-23; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё – 8-376-46-526-61;Сирдарё – 8-367-37-23-813; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар
ⓗ -тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи: Қ.НОРҚОБИЛОВ
Саҳифаловчилар: Р. ЁДГОРОВ, А. САФОНОВ
Мусаҳҳиҳ: М. БЕКИЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2003 йил 20 ноябрда № 050 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-919 , ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@mail.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00.
Босишга топширилди:
Адади -9380

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6